# *«1-TEMIR BETON MAHSULOTLARI ZAVODI» АЖ*
# СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| | |
|---|---|
| Жамият номи | ***«1-TEMIR BETON MAHSULOTLARI ZAVODI» АЖ*** |
| Мулкчилик шакли | ***Акциядорлик жамияти*** |
| Ишлаб чиқариладиган маҳсулот | ***Йиғма Темир бетон маҳсулотлари ва металл конструкциялар*** |
| Жойлашган манзил | ***Тошкент вилояти Қибрай тумани Яланғоч қишлоғи*** |
| Телефон | ***(71) 261-55-09*** |
| E-mail | ***kibrayjbi1@mail.ru*** |
| Web сайт | ***jbi1.uz*** |

# 1. ЖАМИЯТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

«1-TBMZ» AJ 1962 йилда Тошкент ИЭС қурилиши учун бетон қорувчи бўлинма сифатида асос солинган. Тошкент ИЭС 1964 йилда ишга тушганидан сўнг, завод Ўзбекгидроэнерқурилиш таркибида Ўзбекистон энергетикаси учун махсулот ишлаб чиқара бошлаган. Сифатли махсулот ишлаб чиқариш орқали завод 1964 йилдан то 2003 йилга қадар Ўзбекистоннинг деярли барча станцияларини қўришда иштирок этган (Тахиятош, Навои, Ново-Ангрен, Талимаржон, Сырдарьё ва Чорвоқ СЭСи ва бошқалар)

1970 йилда завод электр тармоқлари ва подстанциялар қуришига оид маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Ишлаб чиқаришда қатта кучланиш линиялари метал устунлар учун фундаментлар, плиталар, ва ригеллар каби махсулотлар йўлга қўйилди. Бунда в 1971 йилда биноларнинг қаркас қисми учун коллонна, ригель бино қопламаси учуни плиталар ишлаб чиқариш хам йўлга қўйилди.

2003 йилдан Завод катта кучланишли узатиш линияларини қуриш бўйича давлат лойиҳаларида иштирок этди. “ВЛ 500 кВ Сырдарьё ИЭС – Соғдиёна ПС (1-линия), ВЛ 500 кВ Сырдарьё ИЭС – ПС “Лочин” ПС “Ўзбекистон”, “ВЛ Ўзбекистон”, “ВЛ 500 кВ Ново-Ангрен ИЭС – ПС “Ўзбекистон”.

2007 йилда 76-сериядаги йирик панелдаги уйларни қуриш учун махсулот ишлаб чиқарила бошланган.

“1-TBMZ” AJ юридик шахс бўлиб, ўз печать, мухрига, банкдаги хисоб рақамларига эга. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Устави асосида иш кўради.

Почта адреси: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Яланғоч қишлоғи, Салар.

Телефонлар: (71) 261-55-09, (71) 261-55-07;

Банк реквизитлари: 2021 0000 9001 2495 9001;

АТВ «InFinBank» Toshkent vil.filiali, МФО: 01056

“1-TBMZ” AJ қуйидаги йиллик ишлаб чиқариш қуввати қуйидагича бўлган асосий қуйидаги цехлардан ташкил топган:

- бирлашган арматура – пармалаш цехи 10000 $м^3$
- бетонқориш цехи 3500 $м^3$
- металлоконструкция цехи 250 тн

## 2. ТАДБИРКОРЛИК ЛОЙИҲАСИ

«1-TBMZ» AJ энергетика тизими объектлари ва бошқа харидор ва мижозлар учун темир бетон махсулотлари ва темир конструкцияларни ишлаб чиқаради.

Устав капитали миқдори 1280769 минг. сўм.

Жамият таъсисчилари (акциядорлари) акциялар тўлиқ тўланиб сотиб олинганидан кейин барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар эга жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади.

Оддий акциялар сони – 859 000 дона, шу жумладан:

1. «O’zbegidroenergoqurilish» АЖ - 21,07% ;
2. Жисмоний шахслар – 78,93%

Номинал қиймати – 1491 сўм.

Жамият уствига асосан Жамият бошқарувини қуйидагилар бажаради:

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши олий бошқарув органи хисобланади. Акциялорларнинг умумий йиғилишида Жамият акциядорларнинг реестрига киритилган акциядорлар қатнашиш ҳуқуқига эга;

2. Жамиятнинг кундалик фаолиятига яккабошчилик асосда рахбарлик қилувчи акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган Ижроия органи (Директор);

3. Акциядорларнинг умумий йиғилиши билан сайланадиган Жамиятнинг Кузатув кенгаши. Унинг асосий вазифаси жамиятнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш.

## 3.<u>МАҚСАДЛАР ВА ВАЗИФАЛАР</u>

Жамиятининг мақсадалари:

- ривожланиш и ишлаб чиқаришни такомиллаштириш;
- ишлаб чиқариш ва реализация хажмларини ошириш;
- юқори даромад олиш;
- ходимларнинг моддий рағбатлантириш орқали баланд натижаларга эришиш;
- шартнома ва режалаштирилган мажбуриятларни бажариш нисбатан жамиятнинг масъулиятини ошириш ва талаб мавжуд бўлган махсулот ишлаб чиқариш хажмини ошириш.

Жамиятнинг асосий мақсади кам харажатлар билан ишлаб чиқарилаетган маҳсулотни эксплуатацион яроқлилиги таъминлаш.

Жамият томонидан олинга фойдаси солиқлар тўланганидан сўнг жамият ихтиёрида акциялар дивиденд тўлаш ва Қонунчилик ва Уставга мувофиқ фондларни яратиш учун фондларни шакллантириш очун қолдирилади.

Дивидендларни тақсимлаш акциядорлар эгалик қиладиган акцияларга пропоционал равишда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати Лаборатория ва Техник кўрик бўлими томонидан амалга оширилади. Бунинг учун маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида, жамиятда тегишли халқаро стандартларларга асосан сифат даражаси қўрсаткичлари (геометрик параметрлар, ишлаб чиқаришда ишлатилинадиган материлларнинг мустахкамлик ва деформация характеристикалари) жорий назоратдан ўтказилади.

Бетон мустахкамлиги, арматура пайвандланган бирлашмалари, холати, дастлабки тортилиш, ва геометрик ўлчамларнинг навбатли юклама орқали синовдан ўтказиш билан текширилади. Самарали темир бетон конструкциялари, деталлар, ва дастлаб кучланган арматура темир ва цемент харажатларини сезиларли камайтиришга олиб келади.

Ушбу вазифаларни бажаришга меҳнат унумдорлигини технологик процесни ташкил этиш ва механизацияни яхшилаш, ишлаб чиқариш маҳсулотини сифатини тахминлаш, энергоресурсларни ва моддий харажатларни рационал ишлатиш, ходимларнинг тажрибасини ошириш ва коллективнинг хар бир аъзосида ўз вазифасига масъулият билан тушунган ҳолда ёндашишни хислатларини шакллантириш асосида эришилади.

## 4. ЖАМИЯТНИНГ КЎЗЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИ

Жамият келгусида ички ва ташқи омиллардан келиб чиқиб, Жамиятнинг самадорлиги ва барқарорлигини таъминлаган ҳолда, самарали бошқариш услубларини қоллаш орқали қилинаетган ишларнинг сифатини оширишга

ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ва махсулот рақобатбардошлилигини оширишга қаратилган. Стратегияни амалга оширилиши нафақат жамиятга балки Ўзбекистон Республикаси учун юқори ижтимоий ва иқтисодий ахамиятга эга.

Узоқ муддатли йўналишда ишлаб чиқариш хажмининг ошиши юқори қошимча ишчи кучига, шу жумладани юқори малакали кадрларга эхтиёжни келтириб чиқаради.

Жамиятда иш сифатини ошириши билан иқтисодий фаолиятини жадал ривожланишига имконият пайдо бўлади.

Стратегия ишлаб чиқиш асосида жамият самарали ривожланишига қўйилган вазифаларни ечиш принциплари и ишлар бажарилиши хавфсизлигини, инвестицион фаолликни, мехнат унумдорлигини ошириш учун янги технологияларни жорий қилиш, манбаларнинг ишлатилиш самарадорлигини ошириш ва атроф муҳитга таъсирни камайтириш, кадрланинг потенциалини мустахкамлаш ётади.

## 5. <u>СОХА ТАХЛИЛИ</u>

### Имкониятлар

Жамият келажакда ўз ишлаб чиқариш махсулотларини турларини кенгайтиришга йўналтиради.

Ишлаб чиқариш технологияси меҳнат унумдорлигини технологик процесни ташкил этиш ва механизацияни яхшилаш, ишлаб чиқариш маҳсулотини сифатини тахминлаш, энергоресурсларни ва моддий харажатларни рационал ишлатиш, ходимларнинг тажрибасини ошириш ва коллективнинг хар бир аъзосида ўз вазифасига масъулият билан тушунган ҳолда ёндашишни хислатларини шакллантиришга қаратилган.

## Рақобат таҳлили

Ўзбекистондаги темир бетон махсулотлари, метал конструкициялари маҳсулотлари сохаси ривожлангани, сохадаги соғлом рақобатни мухитини яратади.

Ғазалкентда жойлашган “Энергоқурилишииндустрия” УК, Жамяитнинг энергетика тизимидаги асосий рақобатчиси ҳисобланади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг турини ошириш, қурилиш бўлаётган зоналарга нисбатан қулай жойлашуви, темир йўл транспорт коммуникация тизимидан фойдаланиш Жамиятнинг услуби ҳисобланади.

# 6. ИНВЕСТОРЛАР ВА ХАМКОРЛАР

Жамиятнинг мижозлари юридик ва жисмоний шахслар ҳисоблар.

Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига асосан тайёри маҳсулот сотиб олувчилари билан ва етказиб берувчилар билан хом ашёни, материалларни, ва хизматларни ўз вақтида етказиб бериш учун шартномалар тузади.

## Асосий материал ресурслари ва<br>уларнинг манбалари

| Материал манбалари | Манбалар |
|---|---|
| цемент | «AHANGARONSEMENT» АЖ |
| щебень, қум | «FOREL FARTUNA» МЧЖ<br>«MEGA BLOCK» ХК<br>ва бошқалар |
| сув | «Muzaffo obi hayt» МЧЖ |
| металл | «УЗМЕТКОМБИНАТ» АЖ |

| | |
|---|---|
| | «QURILISH BUTLASH HAMKOR» МЧЖ ва бошқалар |
| электроэнергия | Қибрай ЭСП |
| теплоэнергия | “Тошкент ИЭС” АЖ |

## 8. МАХСУЛОТ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Индустиал ер ости ва ер усти қурилишнинг асосини Темир бетон махсулотлари ва металлоконструкциялар ҳисобланади.

Жамиятнинг асосий маҳсулотлари туркмига темир бетон маҳсулотлари ва метал конструкицялар киради: колонналар, ригеллар, фундамент блоклари, плиталар ва бошқа темир бетон маҳсулотлари киради.

Жамиятнинг барча маҳсулотлари давлат ташкилотлари чизмалари асосида тайёрланади.

## 2022-2024 ЙИЛЛАГА РЕЖАЛАШТИРИЛАЕТГАН КЎРСАТКИЧЛАР

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчам бирлиги | Ишлаб чиқариш хажми | Ишлаб чиқариш (млн. сум) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Улгурчи нархда маҳсулот ишлаб чиқариш | млн. сум | х | 12 000,0 |
| 1.1. | Йиғма темир бетон | $м^3$ | 5000 | 10 800,0 |
| 1.2. | Темир конструкциялар | тн | 80 | 1 200,0 |
| 2. | Махсулот таннархи | млн. сум. | х | 11 700,0 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 3. | Соф фойда | млн. сум. | х | 300,0 |
| 4. | Активлар рентабиллиги | % | х | 6,5 |

## 9. КАДР СИЁСАТИ

Жамиятнинг бугунги кундаги ишлаб-чиқариш билан банд ходимлари – 87 одам, бошқарув ходимлар – 29, техник ходимлар – 2 одам, хизмат кўрсатувчи ходимлар – 7 одам.

Кадрлар сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ходимларни жалб этиш, танлаш, баҳолаш, аттестациядан ўтказиш, меҳнат ва касбга йўналтириш;
- ходимларни жойлаштириш ва танлаш;
- меҳнат ҳақи тўлаш, меҳнатдан қаноатланиш ва рағбатлантириш тизимларини ишлаб чиқиш;
- келгусидаги масалаларни ечиш учун, ўқитиш тизимини такомиллаштириш асосидаги ходмиларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш;
- иш жойи ва меҳнатни ташкиллаштириш;
- ходимларни соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш;
- юқори дарачадаги мехнат фаолиятини таъминлаш;
- янги техника ва технологияларни олиб кириш орқали янги иш ўринларини яратишни прогноз қилиш;

Ишчиларни саралаш қуйидагилар келиб чиққан холда амалга оширилади: маълумоти, профессионал кўникмалари, ишга масъулият ва инсоф билан ёндашув, жамоада ишлай олиш.

Мехнат харажатларини бахолаш “Мехатга хақ тўлаш тўғрсидаги низом” асосида амалга оширилади.

## 10. НАРХЛАР ШАКЛЛАНТИРИШ

Жамиятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот нархлари маҳсулотнинг таннархидан, давр харажатларидан ва

фоидадан келиб чиқиб “Махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби” тўғрисидаги низом асосида шакллантирилади.

Жамият Қошимча қиймат солиғи тўловчиси ҳисобланади (ҚҚС), шу туфайли махсулот сотиш нархи ишлаб чиқариш нархи ва ҚҚС қиймати йиғиндисидан шакллантирилади.